

Имом-хатиблар учун маҳорат дарслари ўтилмоқда



14:08 / 17.10.2018 3240

Жорий йилнинг 16-18 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган имом-домлаларга ҳудудларга бўлинган ҳолда қисқа муддатли маҳорат дарслари ўтилади. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлар идораси Матбуот хизмати хабар берди.

Ҳозирги кунда дин пешволари мўмин-мусулмонлар томонидан берилган ишончни оқлашлари шарт. Имом-хатиблар зиммадаги вазифаларни таҳсинга лойиқ тарзда амалга оширишлари учун тинимсиз меҳнат, изланиш ва касб-маҳоратларини ошириб боришлари зарур.

Зеро, Президентимиз замон билан ҳамнафас яшаш, халқимиз эҳтиёжини таъминлаш ва аҳолининг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш йўлида имом-хатибларни доимо ташаббус кўрсатишга даъват этмоқдалар.

Шу боис, имомларнинг касб маҳоратини ошириш бугунги кун талабига айланиб бормоқда.

Islom.uz портали таҳририяти